2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

29 (631)

2008 йил 16 июль

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Фикр қилган шукр ҳам қилади!

▶ Ишнинг «кўзи»ни бил, асл даромад шунда!

3 ▶ Қадимда греклар Чаш деб атаган шаҳар

▶ Иморати ҳашамату, хизмати надомат...

4 ▶ Пишиб етилгани енгил бўлармиш...

▶ Сабантўйга келдилар, ўйнаб, куйлаб тўйдилар!

Саҳифада

"Mahalla" хабарлари

Қорақалпоғистон Республикаси

ҚОНЛИКЎЛДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Жорий йилда Қонликўл туманида 600 нафар йигит-қиз касб-ҳунар коллежларини битиришди.

Уларни иш билан таъминлаш мақсадида туман марказидаги Саноат-транспорт коллежида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда 29 та корхона ва ташкилотлар 94 бўш иш ўринлари билан иштирок этишди. Ушбу тадбир самараси ўлароқ, 72 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

ОВУЛДА ЗАМОНАВИЙ КОЛЛЕЖ

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам касб-ҳунар коллежларининг сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Яқинда ана шундай билим масканлари қаторига Қонликўл тумани Сариқ олтин овулида барпо этилган қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи ҳам қўшилди. 360 нафар талабага мўлжалланган ўқув биноси, ётоқхона, спорт зал, ошхона ва бошқа ёрдамчи иншоотлар тумандаги «Давр қурилиши» масъулияти чекланган жамият қурувчилари томонидан бунёд этилди.

Асил БЕК,
«Mahalla» мухбири.

Сурхондарё вилояти

ЯККАТОЛНИНГ ЯНГИ МАКТАБИ

Бойсун туманидаги Алачопон маҳалласи ва Яккатол қишлоғида янги мактаб бинолари қуриб битказилди. Кўпдан буён таъмирга муҳтож 50-умумий ўрта таълим мактаби биноси ҳам давлатимиз томонидан ажратилган маблағ асосида қайта таъмирдан чиқарилди.

Қайта таъмирлаш ишларининг самарали якунланишида «Моҳинур» қурилиш фирмаси бунёдкорларининг ҳиссаси катта бўлди. Эндиликда 120 нафар ўқувчи учун мўлжалланган мактабнинг эски биноси ўрнида 280 ўринли замонавий таълим даргоҳи қад ростлади.

— Бу ишнинг амалга оширилишида ташаббускор бўлган туман мутасаддилари, хусусан, туман ҳокими Эркин Бойниёзов, туман халқ таълими бўлими бошлиғи Алишер Пардаев ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларининг кўмагидан миннатдормиз, — дейди мактаб директори Абдурашид Соҳибов.

Эркин МУҚИМОВ,
«Mahalla» мухбири.

Mahalla

— Яна нима дейсиз?

— Юртимизда ишлайман деганга истаганча иш топилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ҚАРОРИ

ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАТБИҚ ЭТИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар ривожлантирилиши ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларига татбиқ этишни рағбатлантириш бўйича амалий механизмлар яратиш, фан ва ишлаб чиқаришнинг янада мустаҳкам алоқасини таъминлаш мақсадида, шунингдек, илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда реал иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ўртасида узвий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда инновацион ғоялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси ҳар йили ўтказилади.

Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасининг ҳар йили ўтказилишини ташкил қилиш Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар ривожлантирилишини мувофиқлаштириш қўмитаси зиммаларига юклансин.

2. Ўрта муддатли истиқболда инновацион маҳсулотлар ва технологияларни ривожлантириш чора-тадбирлари комплекси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тасдиқланган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш ҳамда Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасини юқори даражада ўтказиш ишларини мувофиқлаштириб бориш учун 2-иловага мувофиқ таркибда Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи тузилсин.

Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ (Ш.М.Мирзиёев), Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар ривожлантирилишини мувофиқлаштириш қўмитаси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари мазкур қарор билан тасдиқланган чора-тадбирлар комплексида назарда тутилган тадбирларнинг белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилишини таъминласин.

4. Амалий илмий ишланмалар ва инновацион технологиялар ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этилишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар, уюшмалар, компаниялар ва бошқа хўжалик бирлашмалари қуйидагиларни:

хўжалик юритувчи субъектларнинг амортизацион ажратмалари ва соф фойдаси, шунингдек, буюртмачиларнинг мақсадли тушумларини шакллантириш манбаларидан иборат бўлган модернизация ва янги технологиялар жамғармаларини;

тармоқ ва корхонани инновацион ривожлантиришга жавобгар бўлган таркибий бўлинмалар, зарур ҳолларда эса – лойиҳа-конструкторлик бюроларини ташкил этишда хўжалик бошқаруви органлари ҳамда корхоналарга кўмаклашсин.

5. Қуйидагилар ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектларни инновацион ривожлантириш таркибий бўлинмаларининг асосий вазифалари этиб белгиласин:

замонавий ускуналар ва технологияларнинг халқаро ва маҳаллий ишланмаларини ўрганиш, шу асосда замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишнинг ҳар йилги ва ўрта муддатли дастурларини шакллантириш;

маҳаллий амалий илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга буюртмалар жамламасини шакллантириш, шунингдек уларни жойлаштириш;

амалий илмий тадқиқотлар ва ишланмалар натижаларини корхона фаолияти амалиётига татбиқ этиш.

Мазкур таркибий тузилмалар фаолиятига татбиқ этилган лойиҳалар ва ишланмалар сони, шунингдек, улардан олинган иқтисодий самарага қараб баҳо берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар ривожлантирилишини мувофиқлаштириш қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Хўжалик бошқаруви органлари ва корхоналарнинг модернизация ва янги технологиялар жамғармаси тўғрисидаги Низомни белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Белгиласинки, модернизация ва янги технологиялар жамғармасига йўналтириладиган маблағлар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан илмий амалий тадқиқотларни, инновацион лойиҳаларни, тажриба-конструкторлик ишланмаларини ҳамда уларни ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этишни молиялаштиришда фойдаланилади.

8. 2013 йилнинг 1 январигача бўлган даврда ўқув ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда ташкилотлари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари хўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган шартномалар бўйича амалга ошириладиган амалий илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш қисмида даромад солиғи, ягона солиқ тўлови, қўшилган қиймат солиғи ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

9. Илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларини қайта жиҳозлаш ва тўлиқ жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган рўйхатлар бўйича модернизация қилиш доирасида олиб келинадиган ускуналар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2009-2012 йиллар мобайнида давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бораётган илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларининг илмий, технологик ва лаборатория ускуналарини модернизация қилишга маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги 2009 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларининг илмий, технологик ва лаборатория ускуналарини модернизация қилишга халқаро молия институтларининг мақсадли грант маблағларини жалб этиш масалаларини ишлаб чиқсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 15 июль

Айни кунлар мамлакатимиз ёшларининг ҳаётида жуда қизғин палла: уларнинг катта қисми олий ёки ўрта-махсус таълим муассасасини битириб, диплом олаётган бўлса, яна катта қисми ана шу билим даргоҳларига ҳужжатлар топшириш, тест синовларига тайёргарлик кўриш билан банд.

СУРАТЛАРДА: *(чапдаги суратда) Тошкент молия институтининг еттита факультетини айни кунларда қарийб 2500 нафар талаба тамомлади, уларга тантанали равишда дипломлар топширилди;*

юртимиздаги йирик олий таълим даргоҳларидан бири — Тошкент Давлат шарқшунослик институтида эса абитурентлардан ҳужжатлар қабул қилиш давом этмоқда. Қабул комиссияси масъул котиби Икром Бўлтоков (ўнгдаги суратда) Андижон вилояти Асака туманидаги Тувадак маҳалласидан келган Аброр Икромовга ҳужжат топшириш тартибларини тушунтирмоқда.

Суратларни Р.ГАЛИЕВ ва М.АМИН (ЎзА) олган.

Спорт

Грециянинг Ретимно шаҳрида енгил атлетика бўйича ўтказилган анъанавий халқаро турнирда моҳир спортчимиз Светлана Радзивил баландликка сакраш беллашувларида 191 сантиметр натижа кўрсатиб, шоҳсупанинг иккинчи погонасини эгаллади.

СВЕТЛАНА СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилаётган халқаро мусобақалар 2006 йили ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони бўлган Светлана Радзивил учун Пекин Олимпиадасига тайёргарлик вазифасини ўтамоқда. У июнь ойида Россияда ўтказилган анъанавий халқаро турнирда ҳам мусобақанинг кумуш медалига сазовор бўлганди.

Бундан ташқари, Светлана Радзивил яқинда Тошкентда енгил атлетика бўйича ўтказилган мусобақада 198 сантиметр баландликни забт этиб, мамлакат рекордини ўрнатди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

РЕГИСТОН ВА ВОҲИМ — ФИНАЛДА

Анъанавий "Футболимиз келажаги" республика турнирининг 11-12 ёшлилар ўртасидаги минтақавий босқичи мусобақалари ниҳоясига етди.

Мазкур турнирнинг "А" гуруҳи жамоалари ўртасидаги мусобақалар Самарқанд шаҳридаги "Локомотив" ўйингоҳида бўлиб ўтди.

Унда Самарқанд, Бухоро, Навоий, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг ёш футболчилари ўзаро беллашдилар. Шиддатли ўтган мусобақа натижаларига кўра, биринчи ўринни Самарқанд вилоятининг Регистон маҳалласи ўсмирлари, иккинчи ўринни Хоразм вилоятининг Дўстлик жамоаси, учинчи ўринни эса Бухоро вилоятининг Зарафшон маҳалласи футболчилари қўлга киритишди.

Шунингдек, "В" гуруҳи жамоалари, яъни Жиззах, Сирдарё, Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри босқичларида ғолибликни қўлга киритган еттита жамоа Жиззах шаҳрида ўзаро куч синашдилар.

Ўйинлар натижаларига кўра Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманидаги Воҳим маҳалласи жамоаси биринчи, Жиззах вилоятининг Жиззах туманидаги Ҳайрабод маҳалласининг ёш футболчилари эса иккинчи ўринни эгаллашди.

Турнир сўнгида мусобақа қатнашчиларига "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимларининг эсдалик совғалари топширилди. Икки гуруҳ ғолиб жамоалари 5-8 сентябрь кунлари пойтахтда ўтказиладиган турнирнинг финал ўйинларида куч синашадилар.

МУХБИРИМИЗ

Жиззах вилояти

Сайёр қабулхона

РАЁСАТ МУҲОКАМАСИДА ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ

Бугунги кунда юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигининг юксалишида бевосита фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳал қилувчи кучга айланди. Ушбу тузилма томонидан амалга оширилаётган ишлар кўлами ва самараси айни пайтда ҳар бир ҳудудда, ҳар бир жабҳада кўзга ташланади. Хусусан, жойларда ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг таълим-тарбия олиши, спорт билан шуғулланишига зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиш борасида бевосита фуқаролар йиғинлари, "Маҳалла" жамғармасининг бўлим ва бўлинмалари ташаббускор ва ташкилотчи бўлаётгани алоҳида эътирофга лойиқ. Айниқса, жорий Ёшлар йилида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайиб, ўз навбатида тизим ходимлари зиммасидаги масъулият ҳам ошди.

Бу борадаги натижаларни таҳлил этиб, "Маҳалла" жамғармасининг Ёшлар йили биринчи ярмидаги фаолияти якунларини сарҳисоб қилиш, шунингдек, ғалдаги асосий вазифаларни белгилаб олиш мақсадида жорий йилнинг 12 июль куни Жиззах шаҳрида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг кенгайтирилган тартибдаги сайёр раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Маҳалла" жамғармасининг республика бошқаруви ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари раислари, Жиззах вилояти туман ва шаҳар бўлинмалари ходимлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ҳамда Жиззах шаҳридаги маҳаллалар фаоллари иштирок этди.

Йиғилишни Жиззах вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Муса Анорбоев кириш сўзи билан очди.

— Бежиз маҳаллага "Ватан ичра кичик Ватан" дея таъриф берилмайди, — деди М.Анорбоев. — Чунки барчамиз маҳаллада яшаймиз, маҳаллада униб-улғаямиз. Шундай экан, маҳалламиз равнақи, ободлиги, кўркамлигидан аввало баҳраманд бўладиган ҳам, кувонадиган ҳам ўзимиз. Ўйлайманки, бугун Жиззах вилоятида бўлиб ўтаётган сайёр раёсат йиғилишидан кўзда тутилган асосий мақсад фақат тизим фаолиятида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилишдангина иборат эмас. Чунки айни пайтда юртимизнинг ҳар бир ҳудудида ўз фаолиятини намунали йўлга қўяётган фуқаролар йиғинлари борки, уларнинг саъй-ҳаракатлари, ташаббуслари билан аҳоли ўртасидаги муаммолар, жойлардаги камчиликлар бартараф этиб борилмоқда. Бундай маҳаллаларнинг иш тажрибаларини атрофлича ўрганиб, юртимиз миқёсида оммалаштириш зарур. Сайёр йиғилишни ўтказиш учун айнан Жиззах вилояти танланган экан, демак, вилоятимизда фаолиятини, тажрибаларини оммалаштиришга лойиқ маҳаллаларимиз иши эътибор ва эътирофдан четда қолмаяпти.

Тадбир кун тартибидаги масалалар юзасидан Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов маъруза қилди.

Йиғилишда жорий йилнинг биринчи ярмида жамғарманинг бўлим ва бўлинмалари томонидан амалга оширилган ишлар ҳисоботи тингланди.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида 81396 та кам таъминланган оилаларга жамғарма бўлим ва бўлинмалари томонидан 83 миллион сўм ва ҳомийлар томонидан 590 миллион сўмдан ортиқ мурувват ёрдамлари кўрсатилганлиги таъкидланди. Шунингдек, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан республика бўйича 904 мингдан ортиқ оиланинг аҳволи ўрганиб чиқилиб, 75 мингдан ортиқ эҳтиёжманд оилага "Маҳалла" жамғармаси ва ҳомийлар ҳисобидан 1 миллиард 76 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Бинобарин, "Ёшлар йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида республика бўйича эҳтиёжманд ва ёш оилаларга жамғарманинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан жами 317 дона, ҳомийлар ҳисобидан 15531 бош қорамол олиб берилди ҳамда 800 нафар кам таъминланган оилага 40 минг дона парранда тарқатилди. Жамғарма бўлим ва бўлинмалари томонидан 208 нафар эҳтиёжманд оила фарзандларининг суннат тўйлари ҳамда 1164 та ёш оиланинг никоҳ тўйлари ўтказиб берилди. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисида"ги Низом талабларининг бажарилиши юзасидан республикамиздаги мавжуд барча фуқаролар йиғинларида яраштириш комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ушбу комиссияларнинг фаолияти мониторинги ўтказилди. Бунга кўра, фуқаролар йиғинларида оилавий келишмовчиликлар юзасидан 15638 нафар фуқаронинг аризаси кўриб чиқилган. Шундан 8378 нафар оиланинг нотинчликларига барҳам берилди, 1346 нафар оила ички ишлар идоралари ҳисобига олинди. Олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида 8668 та оилани яраштиришга эришилди.

Давоми 2-саҳифада

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Бахоси келишилган нархда

Тахририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

2008 йил — Ёшлар йили

Қашқадарё вилояти

УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ

Юртимизда истеъдодли ёшларни аниқлаш, рағбатлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Нодавлат ташкилотлари, хусусан, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этиб келинаётган «Келажак овози», «Янги авлод», «Таълим гранталари дастури» сингари кўрик-танловлар ҳам ёшлар учун янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Айниқса, «Келажак овози» кўрик-танловида иштирок этишни хоҳловчи ёшлар сони йилдан йилга кўпайиб боряпти.

Ушбу танловда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган қобилиятли ўқувчи-ёшлар, талабалар, ҳаваскор-ижодкорлар иштирок этишлари мумкин. Танлов «Тасвирий ва амалий санъат», «Бадиий ижод ва публицистика», «Ахборот коммуникацион технологиялар», «Архитектура ва дизайн», «Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режалар», «Ихтирочилик таклифлари», «Техник лойиҳалар ва ишлаб чиқариш» каби йўналишлар бўйича бир неча босқичда бўлиб ўтади. Эътиборли томони шундаки, 2007 йилдан буён танлов ғолиблари республикамиздаги исталган олий ўқув юртига имтиҳонсиз, таълим грантлари асосида ўқиш имкониятига эга бўлишди.

«Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ҳар йили ёзги оромгоҳлар ташкил этиш анъанага айланган. Жорий йилда ҳам «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси лойиҳалари асосида ўтказилган кўрик-танловлар ғолиблари ҳамда марказ фаоллари ёзги мавсумни мароқли ва мазмунли ўтказиш мақсадида Шаҳрисабз туманидаги «Шўртангазкимё» мажмуасига қарашли «Лочин» соғломлаштириш оромгоҳига йиғилдилар. Улар ўз йўналишлари бўйича жамоаларга бирлашиб, ўқув оромгоҳи дастуридан ўрин олган дастлабки тадбирларни амалга оширишга киришдилар.



— Бу йил ёзги оромгоҳга 2005-2007 йилларда ўтказилган «Келажак овози» танловининг финал босқичи ғолиблари, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари, ҳамкор ташкилотларнинг 400 нафардан зиёд ташаббускор ёшлари келишган, — дейди «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази бош координатори Орифжон Назаров. — «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган мазкур ўқув оромгоҳи дастуридан «Лойиҳалар ёзиш», «Етакчилик қобилиятини ривожлантириш», «Бир жамоа бўлиб ишлаш» каби мавзуларда ўқув-тренинглар, семинарлар, интерактив машғулотлар, спорт мусобақалари, мода намойишлари, «Кувноқлар ва зукколар» сингари турли-туман қўнгилочар тадбирлар ўрин олган.

Оромгоҳда машғулотларни уста-шогирдлик анъаналари асосида ўз соҳасининг усталари бўлган етакчи мутахассислар ва тренерлар олиб боришади. Шунингдек, ёшлар учун янги ўзбек фильмлари намойиши, эстрада юлдузлари ва «Келажак овози» республика ёшлар танлови, «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали ғолиблари иштирокидаги концерт дастурлари, таниқли маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлар, тақдимот маросимлари ҳам ташкил этилмоқда.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

СУРАТЛАРДА: *"Лочин" оромгоҳида ёшлар ҳаётидан лавҳалар.*

Суратлар муаллифи Сарвар ҒАФФОРОВ

Жиззах вилояти

Сайёр йиғилиш

РАЁСАТ МУҲОКАМАСИДА ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Тадбирда алоҳида эътибор қаратилган масалалардан яна бири мамлакатимиздаги барча фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари сайловига пухта тайёргарлик кўриш ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини муносиб кадрлар билан таъминлаш масаласидир. Айни кунда тизимда фаолият юритаётган ходимларнинг соҳага доир билим ва кўникмаларини бойитиш, уларга услубий-амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, турли мавзу ва йўналишларда ўқув-семинарлар ташкил этиш борасида аниқ режалар асосида иш кўриш муҳим ҳисобланади.

Бинобарин, раёсат йиғилишида жамғарма бўлим ва бўлинмалари фаолияти йўналишлари юзасидан аниқланган хато ва камчиликлар ҳам муҳокама этилди. Хусусан, айни пайтда "Маҳалла" жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва Андижон, Навоий, Қашқадарё вилоятлари бўлимлари ва ушбу ҳудудлардаги бўлинмаларида кадрлар масаласи тўлиқ ҳал этилмаган. Жамғарманинг ҳудудий бўлинмаларида 11 та вакант ўринлар мавжуд. Андижон вилоятида Қорасув шаҳри, Андижон, Жалақудуқ, Улуғнор туманлари, Наманган вилоятида Наманган шаҳри, Сирдарё вилоятида Ширин шаҳри, Сурхондарё вилоятида Қумқўрғон, Термиз туманлари бўлинмалари шулар жумласидан.

Қолаверса, жойларда жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ва оилавий ажрим ҳолатлари каби салбий кўрсаткичларнинг бирмунча ошганлиги жамғарма тизимида фаолият олиб бораётган бош мутахассисларнинг талаб даражасида иш юритмаётганлигини англатади.

Йиғилишда "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви томонидан ушбу хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсифялар берилди.

Шу куни жамғарманинг Жиззах вилоятидаги туман (шаҳар) бўлинмалари бош ҳисобчилари, маҳалла йиғини раислари ва диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар учун ўқув-семинарлар ҳам ўтказилди.

Айтиш жоизки, бугунги кунда вилоятда 290 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритмоқда. Улардан 9 тасини шаҳарча, 105 тасини қишлоқ, 176 тасини маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкил этади. Мустақиллик йилларида уларнинг ишини такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фаолиятини ривожлантириш мақсадида бевосита маҳалла жамғармасининг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари кўмагида диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Жиззах шаҳридаги Зилол маҳалласининг иш тажрибаси нафақат вилоят, балки республика миқёсида кенг оммалаштирилмоқда. Бу ерда қад ростлаган замонавий гузар ва муҳташам йиғин идораси биноси маҳалла кўркига кўрк қўшиб турибди. Энг муҳими, маҳаллада осойишталикни таъминлаш, ёш авлодни маънан ва жисмонан баркамол инсонлар этиб вояга етказишда йиғин ходимлари ва фаоллари ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда ибратга лойиқ ишларни амалга оширмоқдалар. Бунинг натижасида маҳалла посбонлари сардори, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ҳамда ҳудудда жойлашган милиция таянч пункти анъанавий "Энг намунали милиция таянч пункти" республика кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритдилар.

— Маҳалламизда 3400 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди йиғин раиси Абдували Норматов. — Маҳалла гузаридан йиғин ходимлари ҳамда милиция таянч пункти профилактика нозирлари учун алоҳида хоналар ажратилган. Бундан ташқари, бу ердан спорт зали, тренажёр, теннис майдончаси, ўйингоҳ, зардўзлик ва ошпазлик тўгараклари учун махсус хоналар ажратилган. Маҳалла посбонлари сардори Муҳаммад Матмусаев бошчилигида кўчабошилар, посбонлар, ёшлардан иборат гуруҳ тузилиб, ҳудудимизда тунги навбатчиликлар ташкил этиляпти.

Сайёр йиғилишдан сўнг тадбир иштирокчилари мазкур маҳаллада ҳамда Жиззах шаҳридаги Олмазор ва Ҳамзаобод маҳаллалари фуқаролар йиғинларида бўлиб, уларнинг иш тажрибалари билан яқиндан танишдилар.

Ф.БЎТАЕВ

Қарор ва ижро

Бухоро вилояти

"КРЕДИТ ДАРОМАД КЕЛТИРДИ" —

дейишмоқда олотлик ишбилармон фуқаролар

«Халқ банки»нинг Олот тумани филиали ҳудудда ўзига хос салоҳиятга эга бўлган молия муассасаси ҳисобланади. 64 нафар малакали мутахассис меҳнат қилаётган ушбу банк жамоаси тумандаги 667 нафардан ортиқ юридик мақомга эга бўлган мижозга хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари, банк 26474 нафар омонатчига ҳам эга бўлиб, омонат пулларининг умумий қиймати 735 миллион сўмни ташкил этади.

Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк филиали аҳоли шахсий даромадларини ошириш йўлида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, қорамол сотиб олиш истагида бўлган фуқароларга имтиёзли микрокредитлар ажратиш борасидаги ишлар таҳсинга лойиқ.

— Туманимиз аҳолисининг қорамол парваришлаш ва ундан даромад олиш имкониятлари катта. Шу сабабдан қорамол сотиб олиш учун банкимизга мурожаат қилувчилар жуда кўп, — дейди банк бошқарувчиси Эркин Аллаберганов.

Дарҳақиқат, қарор кучга кирган кундан буён ўтган давр мобойнида банк филиалига 570 нафар фуқаро айнан қорамол сотиб олиш мақсадида кредит ажратишни сўраб мурожаат қилган. 521 нафар фуқаронинг мурожаати ижобий ҳал этилиб, уларга 557 миллион 119 минг сўмдан ортиқ миқдорда имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Банк мутахассислари томонидан бу йўналишда ажратилган микрокредитлар юзасидан ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, мижозлар томонидан 1570 бош қорамол сотиб олинган.

Тумандаги Солоқороул маҳалласи фуқаролар йиғини ҳудудидаги Қороул қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Мўмина Бобоева ҳам бундай имкониятдан бахраманд бўлган фуқаролардан бири ҳисобланади. Мўмина опа банкдан 1 миллион 300 минг сўм кредит олиб, 3 бош қорамол сотиб олган.

— Ҳозирга келиб қорамолларим сони 6 бошга етди, — дейди М.Бобоева. — Ҳар куни сигирларимдан 8-10 литрдан сут соғиб олиб, уни сотиш орқали даромад ҳам топяпман. Йил охирига бориб банкдан олган маблағни қайтариш имкониятига эга бўламан.

Денов қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи ёш оила бошлиғи Бобур Панжиев ҳам банкнинг туман филиали томонидан ажратилган 8 миллион 500 минг сўм маблағ ҳисобига 12 бош қорамол сотиб олган эди. Ҳозир унинг қорамоллари сони 18 бошга етган. Ўтган бир йил давомида Бобур ўз оиласи билан қорамолларни парваришлаб 4 миллион сўм атрофида даромад кўрди.

Ҳамроз АЛИ,
«Mahalla» мухбири.

ХАЛҚАРО ХАБАРЛАР

АҚШ:

«Нью-Йоркер» ойномасининг янги сони жилдида чоп этилган карикатурада АҚШ президентлигига номзод Барак Обама мусулмонларнинг анъанавий либосида, унинг турмуш ўртоғи Мишель эса ҳарбийлар кийимида, елкасида автомат билан тасвирланган. Бунинг устига улар Оқ уйнинг Овал хонасидаги каминда АҚШ байроғини ёндиришаяпти. Ушбу карикатура туфайли мамлакатда шов-шув кўтарилиб, журнал катта тиражда сотилмоқда.

ОБАМАГА БАҒИШЛАНГАН КАРИКАТУРА ТАНҚИДГА УЧРАДИ

Бироқ Обаманинг тарафдорлари ҳам, АҚШнинг машҳур сиёсатдонлари ҳам бировздан ушбу карикатурани чоп этган «Нью-Йоркер» ойномасини қаттиқ танқид қилишди.

Обаманинг ўзи бу шов-шувли карикатурани изоҳлаб ўтирмади. Аммо унинг сайловолди штаби вакиллари расмни жуда мантиқсиз ва ҳақоратли дея баҳолашди. Журнал мухбирлари бу айбловларга жавобан кўпчилик карикатуранинг мазмун-моҳиятини нотўғри тушунган, дейишмоқда.

Журнал бош муҳаррири Дэвид Ремникнинг айтишича, бу оддий сатирик расм бўлиб, уни чоп этишдан мақсад Обама ва унинг рафиқаси ҳақида Интернет ва бошқа нашрларда эълон қилинаётган миллатчилик руҳидаги тинимсиз миш-мишларга қарши билдирилган муносабатни акс эттиришдир.

Маълумки, Обама узоқ йиллар Индонезияда, сўнгра Покистонда яшаган. Унинг рақиблари мана шу маълумотларни рўкач қилган ҳолда, уни мусулмон фундаменталистлари билан алоқадорликда айблашмоқда.

Обама ҳақидаги бундай шов-шувли хабарлар унинг рақибларига қўл келмоқда, дейиш мумкин. Аммо унинг энг асосий рақибларидан бири бўлган Жон Маккейн ҳам «Нью-Йоркер»даги карикатурани мамлакат президентлигига номзодга нисбатан ҳақорат, дея таъкидлаган.

ЭРОН:

АҲМАДИНЕЖАД БМТ АССАМБЛЕЯСИГА БОРАДИ

Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинежад жорий йилнинг сентябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтадиган БМТ бош ассамблеясида иштирок этишини билдирди, дея хабар тарқатди The Jerusalem Post нашри.

Мазкур нашрда таъкидланишича, Аҳмадинежад Эрон президентилигига сайланганидан буён, яъни 2005 йилдан бери БМТ бош ассамблеяси сессиясида мунтазам қатнашиб келади.

Маҳмуд Аҳмадинежаднинг айтишича, сессияда у ўз мамлакати ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, айрим халқаро ташкилотларнинг фаолиятига ўзгартириш киритилишини таклиф қилмоқчи. Ўтган галги сессияда у БМТ Хавфсизлик кенгашининг таркиби ва ваколат доираси ўзгартирилишини талаб қилган эди. Унинг фикрича, кенгаш ўз зиммасидаги вазифани уддалай олмаяпти ва шу боис дунё ҳамжамиятида унинг фаолиятига нисбатан ишонч йўқолган.

Эслатиб ўтамиз, БМТ Хавфсизлик кенгаши Эронга уранни бойитиш борасидаги сайъ-ҳаракатларини тўхтатишини сўраб, санкция эълон қилган эди. АҚШ ҳукумати вакиллари ҳам Теҳронни ядровий қурол ишлаб чиқаришга уринаётганликда айбламоқда. Бироқ Эрон ҳукумати бундай фикрларни рад этмоқда. Аҳмадинежад эса АҚШ Эронни тенгҳуқуқли давлат деб қабул қилсагина, икки томонлама келишувга йўл очилишини билдирмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида
Н.БЕРДИБОЕВА тайёрлади.

САРОБГА ИНТИЛИБ ХАРОБ БЎЛГАНЛАР

ёхуд гастарбайтерлар хусусида

Эрк берилган нафс инсонни ҳамиша ҳалокат ёқасига етаклаган. Бойлик орттириш, тез ва осон пул топиш, енгил даромад кўриш сингари хоҳиш-истакларимиз замирида ҳам нафс қутқуси ётади. Кейинги ўн-ўн беш йилда жаҳондаги бир қатор мамлакатларда кенг тарқалган ҳодисага айланиб, бутун дунё аҳлини жиддий ташвишга солаётган одам савдоси каби мудҳиш жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари шуни кўрсатадики, ушбу жиноятларни содир этувчиларнинг ҳам, бундан жабр кўрувчиларнинг ҳам маълум бир ўринларда муддаолари муштарак. Яна ҳам аниқроғи, мўмай пул топиш истаги, яъни нафс ҳар икки тоифадаги одамларни ҳалокат ёқасига етаклаган. Энг ачинарлиси, одам савдоси қурбонлари алдов, фириб, ёлғон ваъдалар оқибатида жиноятчилар тузоғига илинган бўлсалар, бугунга келиб, ўз оёғи билан ўзини текин меҳнатга, қулликка маҳкум этаётганлар ҳам кўплаб учрамоқда орамизда. Бундай кишиларни тилимизга ёт, бироқ замонавий истилоҳ билан «гастарбайтерлар» деб аташга одатландик.

Бир йигитни танийман. Қўлида гулдай ҳунари бор — нақшинкор эшик-ромлар ясайди. Ука, озгина юмуш бор, уч-тўрт кун қарашиб юборарсан, десам, иложи йўқ, ака, Россияга ишлашга кетяпман, деб қолди. Тўғриси, ажабландим, ойига 500-600 минг сўм топяпман, деб кўкрак кериб юрадиган йигитни нима жин урибдики, иш илинжида узоқ юртга отланибди. Ҳавас қилса арзийдиган ҳовли-жой солганди, бундоқроқ бўлса ҳам, тагида машинаси — «Тико». Бунинг устига, хотини, фарзандларини ёлғизлатиб, дегандай... Хаёлимдан ўтган ўйни англагандай ўзи гап бошлаб қолди:

— Ака, у ёқда иш зўр эмиш. Болалар ойига минг доллар тўлайдиган ишни тайин қилиб қўйишди. Йўл харажатларимни қоплайди, деб машинамни сотдим.

Орадан чамаси олти ойлар ўтиб дурадгор йигитнинг қўшнисини учратиб қолдим.

— Анча ўзини олдириб қайтди, шўрлик, — дейди у. — Укасини ҳам олиб кетганди, у ёққа боришгач, роса қийналишибди. Ертўлада, захда ишлатишибди, ҳаво совуқ. Анча вақт ҳар иккисидан дарак бўлмади. Кейин эшитсак, укаси касалхонага тушиб қолибди. Устига-устак, ака-ука ёлланиб ишлаётган қурилиш фирмаси келишилган пулни тўлаш у ёқда турсин, паспортини қайтариб беришдан ҳам бош тортибди. Бундан хабар топгач, хотини бор-будини сотиб эрига жўнатди. Ҳозир укаси ёнимиздаги касалхонада, ўпкасини қаттиқ шамоллатибди. Ўзи эса уйда ўтирибди. Ҳозирча бир иш қилолмайди, икки кафтига дазмолни қиздириб босишган экан номардлар...

Таассуфки, бундай воқеаларни санаб, адо қилиб бўлмайди. Энг ёмони, билиб-билмай, англаб-англамай, узоқ ўлкаларга йўл олаётганлар тўрт-беш чақа ортириш илинжида кетиб, тўрт мучаси соғ-саломат қайтмаяптилар. Янглишмасам, бундан тўрт-беш ҳафта бурун «Работа в Ташкенте» номли ҳафталик нашр қўлимга тушиб қолди. Эринмай варақладим, ўнлаб соҳадаги юзлаб иш ўринларига таклифлар... Қолаверса, газетанинг шу сонида пойтахтимиздаги туман меҳнат бўлими томонидан юзлаб бўш иш ўринлари рўйхати эълон қилинибди. Албатта, бу бирғина туман миқёсидаги ва биргина газета қамровидаги гаплар.

Тан олайлик, «ука, Россияда сен-боп иш бор экан, ойига 500 доллар тўлашади» деса, 200-300 минг сўм маош тўлайдиган тайёр ишни ташлаб, шу топдаёқ ўша томонларга қанот қоққудек бўладиганлар бор орамизда. Бироқ шундай ҳолатларда нега мулоҳаза қилмаймиз, фикр юритмаймиз: «Хўш, у ёқда каталакдек уйнинг ижара ҳақи қанча экан, бир бурда нонинг-чи? Сув деганлари биздагидек серобми ёки ҳар бир қултуми учун фалон пул тўланадими? У ёқда маош кўпроқ берилар экан, демак, йўл ҳақи ҳам 200-300 сўмга чақиладиган эмасдир?! Россияга бориш учун 400-500 минг сўм, қайтиш учун яна шунча пул сарфланса, бунинг устига, паспортни рўйхатга қўйиш ғалвалари ҳам чиқимсиз бўлмас?

Самарқанддаги олис қишлоққа борсам, кекса бир отахон қўлида кетмон, томорқада лой кечиб юрибди. «Ҳорманг», деб ҳол-аҳвол сўрасам, кўнгил ёриб қолди:

—Болам, қариганингда бу кунларни бошингга солмасин экан, белдан куч кетиб, ишга ярамай қолибман. Яккаю ёлғиз ўғлим хотинини олиб, Қозоғистонга кетганди. Ишлаб учтўрт ойда қайтамиз деганди. Икки ярим йил ўтди, на ўзлари қайтди, на дараги. Қариндошлар бориб қидириб ҳам келишди, фойдаси йўқ. Шуларнинг тақдирини ўйлаб сиқиламан, болам. Ана пул, ана иш. Ҳайҳотдек томорқа ҳувиллаб ётибди. Шуларни кўра-била туриб ҳам четга ишлагани кетаман, деганларни кўрсам, тилимдан кофир бўламан-да, болам.

Фикримга қўшиларсиз, ўз ишининг устаси бўлган киши ҳар жойда ҳам ўрнини топиб кетади. Ваҳоланки, бундай юртдошларимиз Ўзбекистонда ишлаб ҳам, яшаб ҳам кам бўлаётганлари йўқ. Бироқ на тайинли касби, на тайинли ҳунари ва на ишлашга иштиёқи бўлмаган кимсанинг хоришда ишлаб, қойил қилишига кўзимиз етмайди. Зотан, фақат билагидаги кучигагина ишониб чет элга бориб, лекин ўша юрт тилида тузук-қуруқ сўзлашолмай, панд еган инсонлар ҳақида мисолларимиз кўп.

Бироқ ҳақиқатни кўра-била туриб буни тан олмаслик, «ё устидан ё остидан» қабилида таваккалчилик асосида иш тутиш аслида айримларга ёт хислат эмас. Негаки, матбуотимиз, телевидение, радио орқали мақола ва эшиттиришлар, кўрсатувлар ботбот эълон қилинаётган, қариндошимиз, қўшнимиз, маҳалладошимизнинг бу борадаги аянчли тақдири мисолида «Ҳой одамлар, ҳушёр бўлинг, огоҳ бўлинг» дея тўғри йўлга даъват этилаётган, қолаверса, ўша олис Россиянинг марказий телеканаллари орқали ҳам тез-тез намойиш этилиб, хоришда ишлаб пул топиш илинжида кетиб, ҳатто Ватанига қайтишга пул тополмай «Олисдаги буғдойдан, яқиндаги somon яхши» деган кимсаларнинг иқрорлари ҳам бизни ҳушёр торттирмаяпти-ку!

Хоришга бориб ишлаш учун ақл-идрок, тафаккур, озми-кўпми ўз соҳасида моҳирлик, қолаверса, ўша мамлакат аҳли сўзлашадиган тилни билиш талаб этилмайди, дейдиганлар қаттиқ янглишади. Сабаби, ўзга юртнинг ҳам ўз қонун-қоидалари, меъёрлари ва қадриятлари бор.

Шу ўринда савол туғилади: хўш, бизни гастарбайтерликка етаклаган асл сабаблар нимада? Ишсизлик, муҳтожликми ёки ҳавоий орзу-истакларимиз? Маълумки, бугун мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириляпти. Аҳолининг даромадларини муттасил ошириб бориш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш вазифаси давлатимиз сиёсатининг энг устивор масалаларидан бирига айланган. Минглаб маҳаллий, қўшма ҳамда хусусий корхоналар аҳоли хизматида. Фермерлик, тадбиркорлик фаолияти ортидан даромад кўриб, ортганини эл билан бўлишаётган юртдошларимиз сони ҳам кўпайиб боряпти. Ҳаттоки, уйда ўтирган хотин-қизларни фойдали меҳнатга жалб қилиш мақсадида касаначилик фаолияти йўлга қўйилди. Тадбиркорлик ва кичик бизнес билан шуғулланиш истагидаги фуқароларга ва уй-жой сотиб олиш ёки қуришни мақсад қилган ёш оилаларга имтиёзли кредитлар ажратиляпти. Аҳоли даромадларини солиққа тортиш ҳамда пенсия таъминоти, ижтимоий нафақалар тайинлаш борасидаги ислоҳотлар мазмун-моҳиятини, аҳамиятини чуқур англаб етган инсон борки, давлатимизнинг аҳолига кўрсатаётган ғамхўрлигидан қувонади.

Хуллас, юртимизда ишлайман, деганга истаганча иш топилади. Фақат бунга хоҳиш, иштиёқ бўлса, бас. Бироқ ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу, деган нақлга амал қилмаганлар охир-оқибатда тил тишлаб қоляптилар. Зотан, кўчаларимизни тирбанд қилган замонавий машиналар эгалари, данғиллама иморатлар солаётган юртдошларимизнинг деярли барчаси ўз юртида ишлаб, ўз имкониятларидан келиб чиқиб моддий тўкислиқка эришаётгани бор ҳақиқат-ку. Ёки эл-юртга ош бериб, тўкин дастурхон устида тўю базмлар уюштираётган ҳамюртларимизнинг ҳаммаси ҳам пулни юртма-юрт кезиб, сарсон-саргардонликда топмаётгандир?!

Саробни кўрганмисиз? Унинг ғалати хусусияти бор: аввал ишонтиради, сўнг алдайди. Хориждаги гастарбайтерлар ва уларга ҳавас қилаётган юртдошларимизнинг ўзга юртда ишлаб бою бадавлат бўлиб қайтиш ҳақидаги орзу-истаклари ҳам худди саробнинг ўзгинаси. Бир қарашда бунга эришиш осондек кўринади-ю, бироқ кўзланган маррага қанча интилманг, сиздан шунча узоқлашаверади.

Ҳа, юқоридаги мулоҳазаларимиздан келиб чиқадиган хулосалар — аччиқ ҳақиқат. Бу ҳақиқатларни чуқур англаб, охир-оқибатда қиладиганимиз ФИКР, айтадиганимиз ШУКР бўлиши керак.

Мурод ТУРОПОВ





Хориждаги бир қатор музейларда сақланаётган қадимий қўлёзмаларда, хусусан, Грециядa топилган эрамиздан аввалги даврларга мансуб қўҳна манбада Чаш шаҳри ҳақида, Сурияда топилган яна бир қадимий манбада эса Шаш шаҳри хусусида маълумотлар келтирилган. Бу маълумотлар қадимги Шош шаҳри тарихига оид эканини тарихшунос олимлар исботладилар. Тошкент шаҳрининг Сергели тумани ҳудудида жойлашган қадимги Шош шаҳри харобалари айни кунда тупроқ тепаликлар ҳолида сақланиб қолган. Бу ерда археолог олимлар бундан 2500 йил муқаддам қадимги Грециядa зарб этилган тангаларни топганлар. Ушбу тепалик ЮНЕСКО томонидан муҳофазага олинган тарихий обида ҳисобланади.

СУРАТДА: *Шош тепалиги ёнида жойлашган Чоштепа ва Алишер Навоий номидаги маҳаллалар фаоллари Дилфуза Тиллахўжаева ва Вазира Маҳаматкаримовалар маҳалла ёшларини тепалик тарихи билан таништирмоқдалар.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

«Mahalla» хабарлари

Тошкент шаҳри

КЎНГИЛЛАРГА МЕҲР УЛАШИБ...

Кўнгли яримларга меҳр-мурувват кўрсатиш, улар ҳолидан хабардор бўлиш халқимизга хос одат. Ана шу эзгу фазилат юртимиздаги турли корхонаю ташкилотлар фаолиятида, саховатпеша юртдошларимизнинг хайрли юмушларида акс этмоқда.

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида бир йил муқаддам ташкил этилган ногиронлар жамияти ҳам ана шундай ишларга дахлдор бўлаётир. Акбар Чориев раҳбарлигидаги жамият хизматидан кўпгина ўксик қалблар таскин топмоқда.

Яқинда тумандаги «Парвоз» ресторанида жамият томонидан хайрия кечаси ўтказилди. Тадбирда ўзгалар кўмагига муҳтож кишилар, ногирон болаларга совғалар улашилди. Таниқли хонандалар ижросидаги куй-қўшиқлар кеча иштирокчиларига завқ улашди.

— Жамиятимиз томонидан тақдир тақозоси билан жисмоний имкониятлари чекланган, ногирон фуқароларга нафақат моддий-маънавий ғамхўрлик кўрсатилмоқда, балки уларни касбга йўналтириш, иш билан таъминлаш борасида ҳам муайян амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон ногиронлар жамияти Тошкент шаҳар бўлими раиси Ҳасанбой Бурхонов.

Хонбиби МАҲКАМОВА

Тошкент вилояти

ҚАЙТМАСлик КАСАНАЧИЛАР

Юқори Чирчиқ тумани Бордонкўл қишлоғи Қайтмас маҳалласи ҳудудидаги собиқ болалар боғчасининг биноси анчадан буён қаровсиз ётганди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тўрабек Шербоевнинг саъй-ҳаракати билан ушбу бино ва унинг атрофи ободонлаштирилиб, тадбиркор Улуғбек Тожибоевнинг шахсий маблағи ҳисобига бу ерда қизларнинг сочини турмаклашда ишлатиладиган тасмалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирда мазкур цехда 11 нафар қиз иш билан таъминланган.

Келгусида тадбиркор У.Тожибоев чорва молларига озуқа тайёрланадиган ҳамда ўқувчи қизлар учун мактаб либослари тикиладиган иккита цех ташкил қилишни режалаштирмоқда. Бундан ташқари, у маҳалла қариялари учун чойхона, сартарошхона ва пойабзал тузатиш устахоналарини очиш ҳаракатида.

— Ҳар гал ташландиқ ва харобага айланган болалар боғчаси биносини кўрганимда, бу ер қачон обод бўлар экан, деб ўйлар эдим, — дейди маҳалла оқсоқоли Тўрабек ака. — Маҳалламиз фаоллари, кекса отахонлар ва меҳнат фахрийлари ушбу ерни ободонлаштириш учун рухсат сўраб, туман ҳокимлигига мурожаат қилишди. Натижада айни пайтда боғча ҳудуди кўркам қиёфа касб этиб, ўнлаб ёшларимиз ўз уйларидан узоқлашмаган ҳолда доимий иш ўрнига эга бўлишди.

Гулчеҳра САПАРБОЕВА

Самарқанд вилояти

ЯХШИ НИЯТ НАТИЖАСИ

Халқимизга хос орасталикка, покизаликка интилиш хислати маҳалла муҳитида айниқса, яққолроқ намоён бўлади. Қолаверса, ўзи яшаётган ҳудудни озода тутиш, обод қилиш ҳар бир маҳалладошнинг фуқаролик ва инсоний бурчидир.

Самарқанд шаҳридаги Мир Саид Барака номли маҳаллада ҳам тозалик ва орасталикка катта эътибор қаратилиб, маҳалладошлар ўзлари яшаётган масканнинг «Энг намунали маҳалла» деган таъриф олишига эришдилар. Шу муносабат билан яқинда «Экосан» халқаро ташкилоти томонидан маҳалла аҳлига диплом ва пул мукофоти топширилди.

— «Экосан»нинг мазкур анъанавий танловида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритганимиз бутун маҳалламиз аҳлининг ютуғидир, — дейди ушбу маҳалла фуқаролар йиғини раиси Суннат Кўбаев. — Буни одамларимизнинг бирбирига бўлган оқибати, тинч-тотув ҳаётимиз туфайли кўнглимиздан кечаётган эзгу ниятлар самараси, деб биламиз. Зеро, ҳар қандай яхши юмуш аввало, яхши ниятдан бошланади.

Муҳайё БОЙМУРОДОВА

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мавқеи тобора ортиб боряпти.

МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида фуқаролар йиғинлари ҳамда мутасаддиларининг ваколатлари аниқ кўрсатилган. Мазкур қонуннинг 14-моддасида шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган айрим фуқаролик ҳолати далолатномалари ва нотариал ҳаракатлар ҳам белгилаб қўйилган. Унга кўра, шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари белгиланган тартибда туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш ва никоҳдан ажратиш, оталикни белгилаш ваколатига ҳам эга. Шунингдек, улар ҳудудда нотариус бўлмаган тақдирда васиятнома ва ишончномаларнинг тўғрилигини ҳамда ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш каби қонунда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин. Йиғин раислари бундай ваколатнинг берилиши, албатта, вақтни тежаш борасида ҳам, молиявий масалаларда ҳам аҳолига ҳар томонлама қулайлик туғдиради.

Қишлоқ, шаҳарча, овул фуқаролар йиғинлари раислари ва котибларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, масъулиятларини янада ошириш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашда Президентимиз томонидан 1998 йил 23 апрелда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Менимча, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини белгиловчи ва кафолатловчи қонун ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши, албатта, тизим ходимлари фаолиятининг такомиллашувига, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокини кенгайтириб, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда. Бу эса жамиятимизда демократлаштириш жараёнларини чуқурлаштириб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари одимлашимизда муҳим омил бўляпти.

Рустам ЖАЛОЛОВ,
НамДУ ҳуқуқшунослик факультети талабаси.

Кўрик-танлов давом этади

Қашқадарё вилояти

ЖИЗЗАЛИКнинг НАМУНАЛИ МАСЛАҲАТЧИСИ

Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштиришда “Маҳалла” жамғармаси республика бошқаруви ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Фуқаролар йиғини кенгашининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси” республика кўрик-танловининг аҳамияти катта.

Яқинда Қарши шаҳрида мазкур кўрик-танловнинг вилоят босқичи ўз ниҳоясига етди. Унда вилоятнинг 14 та шаҳар ва туманларида биринчи ўринни эгаллаган маҳалла маслаҳатчилари иштирок этишди. Уларнинг ўз вазифасига бўлган меҳр-садоқати танлов шартлари асосидаги ҳар бир чиқишида, саволларга бераётган аниқ ва пухта жавобларида намоён бўлди.

Танлов натижаларига кўра, Косон туманидаги Жиззалик маҳалласи фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Инобат Аслонова кўрик-танловнинг вилоят босқичи ғолиби деб топилди ва танловнинг республика босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритди.

Айтиш жоизки, 2004 йилдан буён Жиззалик маҳалласи маслаҳатчиси вазифасида ишлаб келаётган Инобат Аслонова фаолияти давомида маҳаллада жиноятчилик, гиёҳвандлик каби иллатларнинг олдини олиш, тўй-маъракаларни ихчам тарзда ўтказиш, оилаларнинг тинч-тотувлигини сақлаш, оилавий ажримлар сонини камайтириш, никоҳ ёшидаги йигит-қизларни оилавий турмушга тайёрлаш борасида кенг кўламли ишларни амалга ошириб, ижобий натижаларга эришиб келмоқда. Шу билан бирга у ёшларни фойдали меҳнатга жалб қилиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш мақсадида турли маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, спорт мусобақаларини ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Хусусан, унинг ташаббуси билан маҳалла қизлари зардўзлик, каштачилик, тикувчилик, қандолатчилик сирларини ўрганиб, ҳозирда касаначилик асосида меҳнат қилишмоқда. Шуниси эътиборлики, Инобат опа нафақат ўз маҳалласи, балки туман миқёсида ўтказиладиган тадбирларда ҳам фаол иштирок этиб келяпти.

Танлов якунида ғолиблар ва фаол иштирокчиларга “Маҳалла” жамғармаси вилоят бўлими ҳамда вилоят хотин-қизлар қўмитасининг фахрий ёрлиқлари ва совғалари топширилди.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Тошкент вилояти

Ҳунарли инсон хор бўлмас, дейди халқимиз. Бўка туманидаги Тошлоқ маҳалласида истиқомат қилувчи темирчи Авлоёр ака Аширматов ҳам ҳунари туфайли ҳурмат топган юртдошларимиздан бири. Яқинда Авлоёр аканинг оиласи маҳалладаги “Энг ибратли оила” деб топилди ва оилага рангли телевизор совға қилинди.

СУРАТДА: *маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Холиқов ҳунармандининг ўғли Элёр Аширматовга мукофотни топширмоқда.*

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

«СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ ФАРЗАНД»

Маҳаллаларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти «Болалар» жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан ўтказилаётган давра суҳбатлари, семинар-тренинглар оилаларни мустаҳкамлаш ва болалар тарбиясини тўғри йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Ана шундай давра суҳбати Қарши шаҳридаги Чармгар маҳалласида ҳам бўлиб ўтди. Фуқаролар йиғини, вилоят ҳамда шаҳар хотин-қизлар қўмиталари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир «Соғлом она — соғлом фарзанд» деб номланди. Унда маҳалла фуқаролари, тиббиёт ва халқ таълими ходимлари иштирок этишди.

Хотин-қизларни оналикка тайёрлаш, болани кўкрак сути билан боқиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва шакллантириш сингари муҳим масалалар давра суҳбатининг асосий мавзуси бўлди. Шунингдек, оилавий таълим дастурининг мазмун-моҳияти, ОИВ/ОИТС касалликларининг олдини олиш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари ҳақида ҳам фикр алмашилди.

— Ушбу тадбирдан маҳалладошларимиз, айниқса, аёлларимиз катта таассурот ва ўзлари учун зарур маслаҳатлар олишди, — дейди маҳалла хотин-қизлари етакчиси Сайёра Зоирова. — Ўйлайманки, бу маслаҳат ва кўникмалар ҳаётдаги энг муҳим масалаларни тўғри ҳал этишда уларга асқотади.

Шу каби тадбирлар шаҳардаги Рогузар, Мағзон, Самарқанд, Маҳаллот, Хўжахиёл, Собир Раҳимов номидаги маҳаллаларда ҳам бўлиб ўтди.

Саодат БЕРДИЕВА

Муаммо ва ечим

Жиззах вилояти

2007 йил ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят аҳолисининг тоза ичимлик сувига бўлган талабини қондириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида бугун вилоятда 159 та артезиан қудуғи ишлаб турибди. Айни кунларда махсус кредит ҳисобига хонадонларга 24930 та сув ўлчаш ускунасини ўрнатиш режалаштирилган.

ҲАР ТОМЧИ СУВ — ҲИСОБЛИ

хонадонларга ўрнатилаётган сув ўлчагич ускуналари ичимлик суви исроф бўлишининг олдини олмоқда

Жорий йилда Жиззах туманининг Учтепа даҳасига уч километр узунликда сув қувури ётқизилиб, 2900 нафар аҳоли тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Вилоят “Сувоқава” ишлаб чиқариш бирлашмасининг кредити ҳисобидан жами 84 километр масофага сув қувурлари ётқизилди. Вилоят “Ипотека банк”ининг икки миллиард сўмлик кредити ҳисобига эса Арнасой, Пахтакор, Дўстлик ва Мирзачўл туманларидаги сув иншоотлари таъмирдан чиқарилди.

Айрим қишлоқлар ҳудудидан ўтган сув қувурлари деярли 18-20 йилдан буён таъмирталаб бўлиб турганди. Уларда олиб борилган таъмирлаш ишлари натижасида Мирзачўл, Дўстлик, Пахтакор, Арнасой ҳамда Зафаробод туманларидаги чекка қишлоқларга ҳам ичимлик суви етиб борди. Кредит ҳисобидан чўл туманларидаги сув тармоқлари ҳам бирин-кетин янгисига алмаштирилмоқда. Жумладан, Зомин туманидаги Даштобод шаҳарчаси, Жиззах шаҳридаги Сайҳон маҳалласи аҳлининг ҳам ичимлик сувига бўлган талаби қондирилди.

“Осиё тараққиёт банки”нинг кредити ҳисобидан Жиззах шаҳридаги сув иншоотлари ва тармоқларини янада мустаҳкамлаш лойиҳасига мувофиқ, 63,3 километр масофада сув тармоқлари, 307,3 километр узунликда эса сувни тармоқлаш нуқталари ишга туширилди. Ўрнатилган сув ўлчаш ускуналари сарфланаётган сув миқдорини кўрсатиб тургани боис одамлар ҳам унинг тўловини ўйлаб, тоза ичимлик сувининг исроф бўлишига йўл қўйишмаяпти. Зарғарлик, Сайилжойи маҳаллалари ҳудудидаги кўпқаватли уйларда сув ўлчаш ускуналари деярли ўрнатиб бўлинди. Эндиликда бу уйларнинг энг юқори қаватларига ҳам сув чиқмоқда.

“Камронбек-Фарида” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Бахтиёр Тожибоевдан сайилжойликлар миннатдор бўлишмоқда. Унинг саъй-ҳаракати билан бу ердаги кўпқаватли уйлар тўлиқ ичимлик суви билан таъминланди. Сув ўлчагич асбобларининг ишлаб тургани эса оби ҳаётнинг тежалишига, яъни исроф бўлмаслигига олиб келди.

Вилоятимиз аҳолисининг тоза ичимлик сувига бўлган талабини тўла қондириш учун ҳали талай ишларни амалга оширишимиз даркор. Бу жорий йилда ўз ечимини топиши лозим бўлган масалалар қаторида турибди.

Жуман ҚЎШМАТОВ,
Жиззах вилояти “Сувоқава” ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи.

Саришталик ҳар масканга кўрк

Хоразм вилояти

ХАРИДОР ТАЛАБИ ҚАТЪИЙ БЎЛСА...

...Жуманиёз Одамбоев иши юришиб турганидан ғайрати жўшиб яна эски танишиникига йўл олди. «Юз кило нима бўлади, кўпроқ беравер! — деди у нафси ҳакалак отиб. — Анави сумкани ҳам тўлдир...»

У юкни машинасига жойлаштириб, тўппа-тўғри Шовот бозорига йўл олди. Лекин бу сафар Жуманиёз сифатини кафолатловчи бironта ҳужжати бўлмаган, ишлаб чиқарувчиси номаълум, истеъмолга мутлақо яроқсиз колбасани пуллай олмади — айни пайтда савдо шахобчаларига навбатдаги рейдни уюштирган махсус текширув гуруҳи унинг ноқонуний савдосига чек қўйди. Жуманиёзнинг тумандоши Бекпошша Ҳаитова ҳам худди шундай ноқонуний ишни ўзига «касб-кор» қилиб олган эди. Шу куни бу аёл ҳам яроқсиз колбаса маҳсулотларини сотаётган пайтда назоратчилар эътиборига тушди. Ҳозорасп туманида яшовчи Гулнора Жумабоева, Дилбар Исмоилова, шовотлик Умид Жумабоев, Гулнора Эркабоева, Роҳат Раҳимова, Урганч туманида яшовчи Отабек Отагалдиев, хивалик Роза Маткаримованинг эса сифатсиз ўсимлик ёғи савдоси билан шуғулланиб юрганлиги аниқланди.

Ёз мавсумида ўтказилган текширувлар давомида халқ истеъмоли маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида санитария талабларини бузган 63 нафар шахсга нисбатан маъмурий чора кўрилиб, улардан 1 миллион 846 минг 875 сўм жарима ундирилди. Истеъмолга яроқсиз бўлган, хусусан, инсонлар саломатлиги учун хавфли эканлиги аниқланган 502,5 кг ўсимлик ёғи, 368 кг ош тузи, 535 кг консерва маҳсулотлари, 211 кг қуруқ чой, 536 литр яхна ичимликлар, шунингдек, 95 литр спиртли ичимликлар тегишли тартиб-қоидаларга асосан йўқ қилинди.

Умумий овқатланиш шахобчалари, озиқ-овқат савдо расталари асосан бозорларда ва бозор атрофидаги ҳудудларда фаолият кўрсатади. Ҳозирги кунда вилоят ҳудудида 13 та деҳқон бозори мавжуд. Урганч шаҳри марказидаги катта деҳқон бозори 2 миллиард сўм маблағ сарфланиб, қайтадан қурилмоқда. Ҳозир бу ерда қурилиш, бунёдкорлик ишлари авжида. Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги байрами арафасида бозор замонавий, жаҳон андозаларига мос ҳолда фойдаланишга топширилади. Бозор шаҳар кўркига кўрк қўшиши билан бирга урганчликлар ва шаҳримиз меҳмонлари учун катта қулайлик туғдиради. Деҳқон бозори қурилиш ишлари якунлангунга қадар «Олимпия» ўйингоҳи ҳудудидаги майдонда вақтинча фаолият кўрсатмоқда. Бу ердаги муваққат савдо шахобчалари, расталар, овқатланиш жойлари антисанитария ҳолатида. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ерга тўкилган ҳолда сотилмоқда. Маиший буюмлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотиладиган расталар аралашган, яхна ичимликларни ҳар ким дуч келган жойда сотмоқда, сув қувурлари ўтказилмаган.

Егулик маҳсулот харид қилаётганда, истеъмолчи албатта, сифат сертификати билан танишиши, маҳсулотнинг яроқлилик муддатини билиши зарур.

Шунингдек, Боғот, Ҳазорасп, Ғурлан туманларидаги деҳқон бозорлари ҳудудларида санитария тартиб-қоидаларининг қўпол бузилиши ҳолатлари аниқланиб, 18 та умумий овқатланиш шахобчаси, 4 та савдо дўкони фаолияти вақтинча тўхтатилди. Чолиш, Ғозовот деҳқон бозорларида тарозихона, маҳсулот сақлаш учун омборхона мавжуд эмас. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш учун расталар етишмайди. Янгибозор тумани деҳқон бозорида нон ва сут маҳсулотларини сотиш учун махсус дўконлар йўқ. Ғурлан тумани деҳқон бозори ҳудудидаги гўшт сотиш шахобчаси аянчли ҳолатда, совуткичлар ишламайди. Хонқа ва Қўшкўпир туманларидаги деҳқон бозорларида ҳам худди шундай антисанитария ҳолатларини кўриш мумкин. Деярли барча бозорларда чиқиндихоналар тегишли қоида ва меъёр талаби даражасида қурилмаган. Дезинфекция қилиш ишлари ҳам талабга жавоб бермайди.

Кўпчилик бозор маъмуриятлари ва раҳбарларининг такрор-такрор маъмурий жавобгарликка тортилишига қарамай, вазият ўзгармаяпти. Айниқса, ёз фаслида юқоридаги каби ҳолатлар туфайли аҳоли ўртасида юқумли касалликлар кўпайиши хавфи ортади. Шу боисдан санитария қоидаларига риоя қилиш қатъий талабдир.

Хоразм вилояти Давлат санитария-эпидемиология маркази томонидан махсус ишчи гуруҳи тузилиб, бозорларда санитария ҳолатини яхшилаш борасида амалий ишлар қилинмоқда. Бундан ташқари, вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан умумий овқатланиш шахобчалари, савдо расталарининг фаолиятини ўрганувчи, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқувчи махсус гуруҳ тузилган бўлиб, гуруҳ ишига жалб этилган «Соғлом авлод», «Экосан», «Маҳалла» жамғармаларининг вилоят бўлимлари ходимлари тегишли соҳа ходимлари билан ҳамкорликда самарали ишламоқдалар. Бу ўринда яна бир мулоҳаза ўринлидир: сифатсиз маҳсулотлар савдоси ва антисанитария ҳолатлари билан боғлиқ муаммоларни ечишда истеъмолчиларнинг синчковлиги, талабчанлиги муҳим аҳамиятга эга. Егулик маҳсулот харид қилаётганда, албатта, сифат сертификати билан танишиш, маҳсулотнинг яроқлилик муддатини билиш зарур. Харидорнинг бундай талабчанлиги сертификатсиз маҳсулот сотаётган «тижоратчи»ни ҳам сергаклантиради. Замонавий, кўркам қилиб қурилаётган қулай бозорлар, савдо расталари, дўконларни кўрганнинг кўзи қувнайди. Лекин айрим жойларда савдо-сотиқ қилаётган кишиларнинг уст-боши, қиёфаси, харидорга муомаласидан таъбингиз хира тортади. Яроқлилик муддати ўтган сифатсиз маҳсулотлар, ювиб-тозаланмаган тош-тарозилар, оқ халати кулранг тусга кирган, соч-соқоли ўсиб кетган сотувчи...

Бундай ҳолатларга нафақат махсус назорат хизмати ходимлари, балки ҳар бир юртдошимиз муросасиз бўлсагина, кўпгина кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мумкин бўлади.

Бахтиёр ЖУМАНИЁЗОВ,
Хоразм вилояти Давлат санитария-эпидемиология маркази бош шифокори ўринбосари,
Абдулла САФОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Хоразм вилояти

Байрам — бирдамликдир

«САБАНТЎЙ» СЕВИНЧ УЛАШДИ

Хоразм воҳасида ўттиздан ортиқ миллат вакиллари аҳил-иноқ, дўст-биродарликда ҳаёт кечириб, юртимиз тараққиёти ва мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилмоқдалар.

Энг муҳими, турли миллат вакиллари ўз миллий урф-одатлари ва қадриятларини эъзозлаб яшамоқдалар. Зеро, миллатлараро бағрикенглик, ҳамжиҳатлик тараққиётга эришишнинг энг биринчи талабидир. Миллатидан қатъи назар ҳар бир фуқаронинг муштарак нияти — юртимиздаги тинчлик ва осойишталиккнинг барқарор бўлиши ҳамда ёш авлоднинг камолини кўриш.

Яқинда Урганч шаҳридаги гўзал ва сўлим масканлардан бири — Амир Темур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Сабантўй» бўлиб ўтди. Татар халқининг миллий байрами «Сабантўй» кўп асрдан бери барҳаёт қадрият ҳисобланади. Бу байрам завқли ва қизиқарли ўтди. Унда татар, бошқирд, ўзбек, рус, туркман ва бошқа миллатлар вакиллари, кенг жамоатчилик иштирок этди. Татар миллий таомлари билан безатилган дастурхон атрофида маҳалладошлар яйраб ҳордиқ чиқаришди. Татарча куй-қўшиқлар, рақсларга «Хоразм лазгиси» ҳам уланиб кетди. «Сабантўй» байрами дўстлик, ҳамжиҳатликнинг ўзига хос ифодаси бўлди.

Абдулла САФОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Мавзуга қайтиб

КИТОБ КЎНГИЛ МУЛКИГА АЙЛАНСА...

Қуёш заррин нурлари билан оламни чароғон этганидек, китоб инсон қалбини ёритади, ақлини чархлайди. Мутолаа инсонларни фикрлашга ўргатади, ҳалолликка, эзгуликка чорлайди. Бир сўз билан айтганда, китоб гўзалликка, бунёдкорликка, улуғликка етакловчи илҳомбахш кучдир. «Китобдан азиз дўст йўқдир», деган эди сўз мулкининг султони Алишер Навоий. Донишмандлар инсонни тарбиялашда, камолга етказишда китоб мислсиз қудратга эга эканини бежиз таъкидлашмаган.

Асли тошкентлик бўлган Юсуф Тошпўлатов узоқ йиллардан буён Хоразмда истиқомат қилади. У ёшлигидан китоблар билан ошно тутинди, уларни кўз қорачиғидай асраб-авайлади. Отахон кўп йиллар давомида йиққан китоблари, газета ва журналлардан Хива шаҳридаги Ичанқалъа маҳалласидаги хонадонида шахсий кутубхона ташкил этди. 1962 йилда дастлаб 400 та китоб билан фаолият кўрсатишни бошлаган кутубхона фонди йилдан йилга бойиб борди. «Известия» газетасининг иловаси бўлган «Неделя» ҳафталигининг 1981 йил 12-сонида «Мафтункор китоб ҳаваскори Юсуф Тошпўлатов» сарлавҳали мақола босилиб чиққан эди. Шундан кейин отахонга Москва, Санкт-Петербург, Владивосток, Душанбе, Ашхобод ва бошқа кўплаб шаҳарлардан мактублар келди. Ибратли ташаббусни қўллаб-қувватлаган, шахсий кутубхонага ўз ҳиссасини қўшишни истаганлар китоблар жўнатишди. Турли республикалардан ўттиз беш нафар ёзувчи-шоир совға тариқасида ўз китобларини дастхатлари билан кутубхонага юборишди.

Кутубхона хазинаси бойигандан бойиб, отахоннинг хонадони торлик қилиб қолди. Мутасадди раҳбарларнинг ёрдами билан кутубхона Юсуф ота хонадони билан ёнма-ён жойлашган Амир Тўра мадрасасига кўчирилди. Бугунги кунда салкам йигирма мингта китобга эга бўлган хазинани отахоннинг набираси Отабек Тошпўлатов бошқармоқда.

Кутубхонада жаҳон ва ўзбек адабиёти намояндаларининг асарлари, 1935 йилдан буён чоп этиб келинаётган газета-журналлар мавжуд. Билимга чанқоқ ҳар бир киши улардан



бемалол фойдаланиши мумкин. Чинакам зиё масканига айланган хонадонга нафақат юртимизнинг турли гўшаларидан, балки чет эллардан ҳам меҳмонлар тез-тез ташриф буюриб туришади.

Қувонарли томони шундаки, Хоразмда Юсуф ота сингари маърифат тарқатишни ўзига шиор қилиб олган инсонлар кўп. Шовотлик Саъдулла Ҳусаинов, қўшкўпирлик Раҳмон Машарипов, урганчлик Қодир Раҳмонов, Камол Нуржонов, хивалик Давлатёр Раҳимов, хонқалик Ёлдош Ҳожиев каби юртдошларимиз ҳам шахсий кутубхона очиб, халққа беминнат хизмат кўрсатмоқдалар.

Хоразм — қадимий маданият бешикларидан бири. Инсоният тафаккурининг ноёб дурдонаси бўлган «Авесто» ҳам шу заминда яратилган. 2001 йилнинг октябрь ойида «Авесто»нинг 2700 йиллиги дунё миқёсида кенг нишонланди. Шу муносабат билан Урганч шаҳри марказида «Авесто» боғ-мажмуаси барпо этилиб, иқтидорли меъмор Полвонназар Сапаев лойиҳаси асосида китобга ҳайкал қўйилди. Унинг саҳифасига битилган Зардуштнинг «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» деган фикрлари инсонларни ҳар бир ишда ўзларига эзгуликни шиор қилиб олишга чақирмоқда.

Моҳичеҳра ЛАТИПОВА

МУНАЖЖИМЛАР ТАББИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Сизда ақлли инсонлар қадрлайдиган фазилатлар бисёр. Билимингиз ва ташаббускорлигингизни ишга солиб, юксак марраларни эгалланг. Вақтни чўзиб ўтирмай, ишга киришинг.

СИГИР(22.04-20.05)

Ниҳоят, кўпдан буён интиқиб кутаётган кишингиз билан учрашиш бахтига муяссар бўласиз. Бир олам қувонч ва ғайрат билан бошлаган ишларингиз бароридан келади.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)

Майда-чўйда гапларга аралашиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Билиб-билмай бировнинг фикрини маъқуллаш сизнинг зарарингизга хизмат қилиши, обрўйингизга путур етказиши мумкин.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Ишонинг, қўлингиздан атрофдагилар учун фойдаси тегадиган кўп ишлар келади. Бунинг учун сиздан озгина ҳаракат ва ирода талаб этилади, холос. Ўзингизни кўрсатиш пайти етди. Олға!

АРСЛОН (23.07-22.08)

Оила аъзоларингиз билан муносабатларда пайдо бўлган тарангликлар барҳам топади. Ўзингизни анча енгил ва бардам ҳис этасиз. Яқинларингизга меҳрингизни кўрсатишдан тортинманг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Ўйлаб кўринг, кимдир ёрдамингизга муҳтож эмасми? Унинг муаммоларини ҳал этиб, дилингизни эзгулик нурлари билан тўлдиришга қурбингиз ҳам, имкониятингиз ҳам етарли. Ҳаяламай, ишга киришинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Шу кунларда сиз учун ўта муҳим бўлган масала ижобий ечим топади. Бироқ шахсий ҳаётингизда айрим дилхираликлар рўй бериши мумкин. Уни қай тахлит якунланиши фақат ўзингизга боғлиқ.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Яқин кунларда иш фаолиятингиз билан боғлиқ муаммоли вазиятларга дуч келасиз. Ундан чиқиб кетишда бор кучингизни, ақл-фаросатингизни ишга солинг. Чунки бу кейинги фаолиятингиз учун жуда муҳим.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Ҳаётингизда кетма-кет бахтли тасодифлар рўй бериши мумкин. Бундай пайтларда хатти-ҳаракатларингизни назорат қилганингиз, тилингизга эрк бермаганингиз маъқул. Феъл-ингизни кенг, кўлингизни очиқ қилинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Табиатингиздаги ўзингизга яхши маълум бўлган қусурлар боши берк кўчага киритиб қўйиши мумкин. Шу боис, инсонлар билан муносабатда оғирвазмин ва эҳтиёткор бўлишга ҳаракат қилинг.

КОВҒА (20.01-18.02)

Бирон иш юзасидан шошилинч хулоса чиқаришга ошиқманг. Яхшиси, етти ўлчаб бир кесганингиз маъқул. Чунки йўл қўйдиган ҳар бир хатоингиз режаларингизни буткул ўзгартириб юбориши мумкин.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Бир зайлда зерикарли ўтаётгандек туюлган ҳаётингизда қувончли ўзгаришлар юз беради. Бундай пайтларда ўз кучингиз ва иқтидорингизга ортиқча баҳо беришдан тийилганингиз маъқул.

Табиат ва биз

Қорақалпоғистон Республикаси

Бўзатов Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги бошқармаси тасарруфидаги 14 та ўрмон-тўқай хўжалиги орасида энг йириги ҳисобланади. Хўжаликнинг умумий ер майдони 15893 гектар бўлиб, шундан 5343 гектарини тўранғил майдони ва жийдазорлар эгаллаган.

БЎЗАТОВнинг ЎРМОНИ

— Табиатдаги мувозанатни сақлаш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда ўрмонларнинг аҳамияти катта, — дейди Бўзатов ўрмон хўжалиги директори Ойбек Ҳабибов. — Шунинг учун ҳам ўрмонлар яшил бойлик, дея таърифланади. Жорий йилда жамоамиз томонидан 300 гектар ерга манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилди, экинлар экилди. Бундан ташқари, Қўнғирот ўрмон хўжалигига 50 минг туп турли дарахт кўчатларини етказиб бердик. «Наупыр» ва «Қусхонатов» участкаларида фаолият кўрсатаётган ходимлар астойдил меҳнат қилиб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Оролбўйи ҳудудида жойлашган хўжаликнинг 50 нафар кишидан иборат аҳил жамоаси айни кунларда дарахт ва экинларга ишлов бериш, ҳудудда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш каби юмушлар билан бир қаторда 34 гектар майдондаги янги ўтқазилган кўчатларни парваришлашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Билиб қўйган яхши!

ТАРВУЗ танлашни биласизми?

Бозордан танлаб сотиб олган тарвузимиз кўнгилдагидек чиқмаса, кайфиятимиз бузилади, уни ташлаб юборишдан ёки уй ҳайвонларига тўғраб беришдан ўзга иложимиз қолмайди. Хўш, яхши тарвуз танлаш учун нималарга эътибор қаратиш керак?

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани Ўзбекистон маҳалласи фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Рафиқ отани билганлар уста деҳқон, дейишади. Суяги деҳқончиликда қотган отахоннинг етиштирган тарвуз-қовунлари ширинлигидан тил ёради. Унинг тарвуз танлаш бўйича қуйидаги маслаҳатларини ёдда тутсангиз, янглишмайсиз.

Пишган тарвуз хомига қараганда йирикроқ бўлади. Лекин катта бўлишига қарамай нисбатан енгил ва етилган бўлади. Пишган тарвуз чертиб кўрилса, жаранглайди, хомидан эса пўкиллаган овоз чиқади. Тарвузнинг ерда ётган томони тўқ сариқ рангда бўлса, бу унинг етилиб пишганидан далолат. Яхши пишган тарвузга тирноқ осон ботади, ранги эса ёркин ва ялтироқ бўлади.

Тарвуз паллаларга ажратилганда атрофи қизғиш, ўртаси қаттиқ ва оқиш рангда бўлса, яхшиси уни истеъмол қилмаган маъқул. Чунки бундай тарвузга кўп минерал ўғит солинган бўлиб, у соғлиқ учун зararлидир.

Тарвуз таркибида инсон организми учун фойдали бўлган минераллар ва витаминлар кўп. Жумладан, 11 фоизгача қанд, С, В1, В2, РР витаминлари, каротин, глюкоза, калий, кальций, темир моддалари ва органик кислоталар мавжуд.

Яхши пишиб етилган тарвуз буйрак ва сариқ касалликларида яхши фойда беради. Бадани шишган ва юрак касалликлари билан оғриган беморларга ҳам тарвуз истеъмол қилиш тавсия этилади. Тарвуз шарбати жигар тўқималарини енгил сингадиган қанд моддалари билан таъминлайди, қуритилган пўчоқларидан тайёрланган дамлама эса йўғон ичакнинг яллиғланиши учун шифодир.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.

Доноларнинг дурдона фикрлари

Илм ўрганмоқ — эътиқодни мустаҳкамлаш учундир, аммо бойлик орттирмоқ учун эмас. Саховатсиз бой ёғинсиз булутга ўхшайди; илмига амал қилмаган олим устига китоб ортилган эшакка ўхшайди,

Алишер НАВОИЙ

Олижаноб эр тўққиз нарса ҳақида ўйлашни канда қилмайди. Булар равшан кўрмоқлик, аниқ эшитмоқлик, одоб билан муомала қилмоқлик, самимий сўзлашмоқлик, эҳтиёткорлик ила ҳаракатда бўлмоқлик, қаҳру ғазаб оқибатини ёдда тутмоқлик, одилликни унутмаслик ҳамда имконият туғилганда фойда олмоқлик.

КОНФУЦИЙ

Инсон табиатидаги қайсарлик мени лоқайд қолдириши мумкин. Лекин одамлардаги қўполликка бефарқ қаролмайман. Қайсар одам ўз қарашларини, демакки, шаънини ҳимоя қилади. Иккинчи тоифа одамлар эса ўзгалар фикрига, яъни умумнинг шаънига тажовуз қиладилар.

МОНТЕСКЬЁ

Утерянные учредительные документы, свидетельство о государственной регистрации, бухгалтерская документация выданные на ООО «MAX INFINITY» Мирбадского района (ИНН 204991825) (ОКОНХ 83200) нашедшего просим вернуть за вознаграждение.
Тел: 253-59-92



Ўсма қўймоқда қизгина...

И.ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

Ажабо!

"КИМ" дегани ким бўлди?

Дунёдаги ҳар бир миллат вакили миллий анъаналаридан келиб чиққан ҳолда ўзига хос исм-шарифга эга. Узоқ шарқ давлатларида сақланиб қолган анъаналарга кўра, кишининг исми унинг шарифидан кейин ёзилса, баъзи миллатларда аксинча.

Корейс миллатига мансуб кўпчилик одамлар ўзини таништираётганда аввал исмини, сўнг шарифини айтади. Аслида уларнинг исмлари шарифидан кейин ёзилади. Бироқ улар бу анъанага ҳар доим ҳам амал қилавермайдилар. Масалан, корейслардан бирининг исмини оладиган бўлсак, Ким Им Су — "Ким" унинг шарифи, "Им Су" исмидир, отасининг исми эса қўшиб айтилмайди.

Корейс исмлари иероглифлар орқали ифода қилиниб, ҳар бир исм ўзига хос фалсафий маъно касб этади. Бу миллат аёллари билан эркакларининг исмлари бирбиридан деярли фарқланмайди. Корейсларда шундай исмлар борки, уларни бир вақтнинг ўзида ҳам эркакка, ҳам аёлга нисбатан ишлатиш мумкин. Хусусан, Син (шодлик), Ин (инсонийлик) каби исмларни шулар қаторига киритиш мумкин. Шунинг учун корейслар исм танлашда узоқ изланмайдилар. XIX асрнинг охирларига қадар корейс аёллари исм-шариф танлаш борасида ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлишмаган. Аёлларни эрларининг фамилияси ёки тўнғич фарзандининг исми билан аташган.

1980 йилдаги қайд этилган маълумотларга кўра, Корея аҳолиси жами 298 та фамилиядан фойдаланар экан. Шу боис ҳар 10 нафар корейснинг 8 нафари Ким шарифига эга эканлиги ҳам кўпчиликни ажаблантирмайди.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари) **Мавлуда ҚОСИМОВА,** (масъул котиб) **Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.**

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: **Ҳа..... Абдуллаев**
Мусаҳҳиҳ: **Шаҳноза Эргашева**
Саҳифаловчи: **Фаррух Расулов**

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — **236-53-93**
Тел/Факс: — **233-44-25**
Масъул котиб: **236-53-75**
Котибият — **236-55-69**
Хатлар бўлими: **236-57-62**

11294 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-620 Топширилди — 22.15
1 2 3 4 5